

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

8-сон  
(92)  
2004 й.  
февраль

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## МУНДАРИЖА

### *Учинчи бўлим*

94. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси тузилмасини, штатлар жадвалини ва бошқарма тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 февралдаги 81-сон қарори
96. «Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 февралдаги 86-сон қарори
97. «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 февралдаги 87-сон қарори
98. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 февралдаги 89-сон қарори
99. «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 февралдаги 90-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

100. «Тасдиқланган маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 6 февралдаги 28, 2004-19, 01-02/8-13-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 23 февралда 1315-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
101. «Номолиявий активларга киритилган инвестициялар тўғрисида ҳисобот» бўйича 2-инвест (йиллик) ва 2-инвест (чораклик) давлат статистика ҳисоботи шакллари тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 23 январдаги 1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 24 февралда 1316-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
102. «Бож олинмайдиган савдо дўкони» божхона режими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 20 январдаги 01-02/12-4-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 27 февралда 1317-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
103. «Божхона омбори» божхона режими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 20 январдаги 01-02/12-3-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 27 февралда 1318-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 21 февралдан 27 февралгача бўлган маълумот

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **94** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси тузилмасини, штатлар жадвалини ва бошқарма тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида

Иқтисодиётни бошқаришнинг функционал тизимини янада такомиллаштириш ва республика Ҳукумати аппаратида ахборот-таҳлил ишлари даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси тузилмаси, штатлар жадвали ва бошқарма тўғрисидаги низом 1—3-илова-ларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармасини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 16 апрелдаги 199-сон қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 23 февраль,  
81-сон

---

\* 2-илова берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 23 февралдаги 81-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-  
таҳлил бошқармаси тузилмаси**



Ҳаммаси — 30 штат бирлиги.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 23 февралдаги 81-сон қарорига  
3-ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси (кейинги ўринларда матнда «Бошқарма» деб юритилади) Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармасини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 16 апрелдаги 199-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган.

2. Бошқарма фаолияти бозор ислохотларининг ахборот-таҳлил таъминотини амалга оширишга, марказий иқтисодиёт идоралари ва тармоқ бошқарув органларининг макроиқтисодий, тармоқ ва минтақавий ривожлантириш дастурлари стратегиясини ишлаб чиқишдаги ахборот-таҳлилий ва прогноз фаолиятини мувофиқлаштиришга, қисқа муддатли даврда макроиқтисодий ва ижтимоий сиёсат самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ҳамда ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврларда иқтисодий ислохотлар стратегиясининг вариантлари бўйича таклифлар ишлаб чиқишга, маъмурий ислохотларни амалга оширишга, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитларни такомиллаштиришга, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши ва аҳамиятини оширишга йўналтирилган.

3. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Олий Мажлиснинг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив ҳужжатларга ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

4. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Бош вазири аппарати тузилмасига киради. Бошқарма ижро интизоми масалалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига ҳисобот беради.

### **II. Бошқарманинг вазифалари**

5. Қуйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилишини ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни барча йўналишлар бўйича макро даражада, шунингдек тармоқ ва ҳудудлар бўйича, марказий иқтисодиёт идоралари, давлат ва хўжалик бошқаруви республика органлари, шу жумладан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ахборот-таҳлилий ва прогноз фаолиятини мувофиқлаштириш асосида тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

макроиқтисодий ҳолат ва ижтимоий вазият мониторинги олиб борилиши ва таҳлил қилинишини таъминлаш, маълумотларнинг тегишли базаларини яратиш, иқтисодиётнинг сифат жиҳатидан ўзгаришларини ва унинг ривожланиш тенденцияларини баҳолаш;

макроиқтисодий ва ижтимоий вазият, иқтисодий ислохотларнинг макро даражада, шунингдек тармоқлар ва ҳудудлар бўйича бориши, хусусийлаштириш, таркибий ва институционал қайта ўзгартиришлар, давлат бошқаруви ва корпоратив бо-

шқарув, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, товарлар, сармоя, меҳнат бозорини шакллантириш, фонд бозори фаолияти масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаш;

Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, департаментлари ва бўлимлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг иқтисодий ислохотларнинг боришини таҳлил қилиш ва иқтисодиёт тармоқлари, секторлари ҳамда ҳудудларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш масалаларидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви республика органлари, шунингдек маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан тайёрланадиган энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий муаммолар бўйича мақсадли дастурлар ва Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини эксперт баҳолаш;

оммавий ахборот воситаларида ёритиш, халқаро молиявий ва бошқа ташкилотлар билан биргаликдаги ишлар орқали макроиқтисодий ва ижтимоий вазиятдан жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва оммалаштиришни ташкил этиш.

### III. Бошқарманинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

6. Бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ва хўжалик бошқаруви республика органлари, Марказий банк ва тижорат банклари, Фанлар академиясидан, бозор инфратузилмасининг бошқа институтларидан, шунингдек маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан бошқармага юкланган вазифалар доирасида зарур статистик ва таҳлилий ахборотларни, бюджет статистикаси ва социологик сўровлар маълумотларини сўраш ва олиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви республика органларининг тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришнинг комплекс дастурларини ишлаб чиқиш масалаларидаги ахборот-таҳлилий ва прогноз фаолиятини мувофиқлаштириш;

Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, департаментлари ва котибиятларидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан бошқармага юкланган вазифаларни амалга ошириш учун зарур ахборотларни сўраш;

Вазирлар Маҳкамасининг департаментлари ва котибиятларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг иқтисодий ислохотларнинг натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, иқтисодиёт тармоқларини, секторларини ҳамда минтақаларни иқтисодий ривожлантириш стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

марказий иқтисодиёт идоралари ходимларини, маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда махсус социологик, бюджет текширувлари, таҳлилий ва ахборот тадқиқотлари ўтказиш бўйича вақтинчалик эксперт таҳлилий гуруҳлар тузиш;

ижтимоий-иқтисодий тадқиқотларга Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Марказий банк ҳузуридаги илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар ходимларини ва бошқаларни жалб этиш;

қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси бўйича таклифларни, шунингдек қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатларни, макроиқтисодий, тармоқ ва минтақавий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

халқаро конференциялар, конгресслар, симпозиумлар ва кенгашлар ишида, шунингдек ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик ва ахборот-таҳлилий тадқиқотлар бўйича халқаро лойиҳаларда қатнашиш;

Бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви республика органлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий органлари,

хорижий мамлакатларнинг тадқиқот ва статистика ташкилотлари билан мустақил равишда ёзишмалар олиб бориш.

7. Бошқарма қўйидагиларга мажбур:

мамлакат тармоқлари ва минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги тенденцияларни тавсифловчи таҳлилий материалларни Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятининг кўриб чиқиши учун тақдим этиш;

Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топшириғига биноан Ҳукуматнинг айрим қарорлари ва республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, шунингдек мақсадли ва комплекс дастурлар бажарилиши мониторингини иқтисодий тармоқлари, секторларини ва ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш; ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари экспертизасини амалга ошириш;

энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий муаммолар бўйича Ҳукумат қарорлари, тармоқ дастурлари ва минтақавий дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашиш.

#### **IV. Бошқарманинг тузилмаси**

8. Бошқарма тузилмасига қўйидагилар киради:

бошқарма бошлиғи;

бошқарма бошлиғининг ўринбосари — макроиқтисодий ривожлантириш таҳлили ва стратегияси бўлими бошлиғи;

бюджет-солиқ, кредит сиёсати ва пул муомаласи шўъбаси;

хусусийлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш шўъбаси;

аҳоли турмуш даражаси шўъбаси;

бошқарма бошлиғининг ўринбосари — ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш дастурлари бўлими бошлиғи;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари шўъбаси;

тармоқлар ва микроиқтисодий ривожлантириш дастурлари шўъбаси;

бошқарма бошлиғининг ёрдамчиси.

9. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этилган ахборот-таҳлил гуруҳлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги ахборот-таҳлил бошқармаси тегишли равишда вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларига ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, шунингдек бошқармага ҳисобот беради.

10. Ахборот-таҳлил гуруҳлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи, шунингдек кўрсатиб ўтилган ҳудудий бўлинмалар ходимлари лавозимга бошқарма бошлиғи билан келишган ҳолда тегишли равишда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси томонидан тайинланадилар.

#### **V. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш**

11. Бошқарма ўз ишини Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти билан келишилган ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланадиган йиллик ва чораклик иш режалари асосида ташкил этади.

12. Бошқарма ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, департаментлари ва котибиятлари, давлат ва хўжалик бошқаруви республика органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, Марказий банк ва тижорат банклари ҳамда бошқа бозор инфратузилмаси институтлари томонидан тақдим этиладиган статистик

ва бошқа материаллар, муаммоларни мустақил равишда ўрганиш, шунингдек халқаро молиявий ва бошқа ташкилотлар билан узвий алоқа асосида амалга оширади.

13. Бошқармага Вазирлар Маҳкамаси қарори билан лавозимга тайинланадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

14. Бошқарма бошлиғи:

бошқармага юкланган вазифаларнинг ҳал этилиши учун шахсан жавоб беради; Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятига бошқарманинг ахборот-таҳлилий фаолияти давомида эришилган натижалар тўғрисида ахборот беради;

бошқарма бошлиғи ўринбосарлари — бўлимлар бошлиқлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, уларнинг бажарилишини назорат қилади.

бошқарма бошлиғи ўзига ва бошқармага юкланган вазифалар доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Бошқарма фаолиятининг жорий масалалари, шу жумладан бошқарма мутахассисларининг халқаро ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик лойиҳаларида ва ахборот-таҳлилий тадқиқотларда қатнашиши учун рухсатномалар бериш бўйича қарорлар қабул қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви республика органларидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан тармоқларда ва минтақаларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши бўйича қабул қилинган қарорларнинг сифатли бажарилишини талаб қилиш, шунингдек уларнинг бажарилиши бўйича тезкор ва статистик ахборотларни сўраш;

Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятига бошқармада ишлашга тавсия этилаётган номзодлар тўғрисида ва бошқарма ходимларининг лавозим маошига шахсий устамалар миқдорларини белгилаш тўғрисида таклифлар киритиш.

Бошқарма бошлиғи шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар ва мажбуриятларга ҳам эга.

15. Бошқармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белги-ланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 23 февралдаги 81-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармасини ташкил этиш  
тўғрисида» 1997 йил 16 апрелдаги 199-сон қарорига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банддаги «32» рақами «30» рақами билан алмаштирилсин.

2. 2-банд ҳамда 1, 2 ва 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. 3 ва 4-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Қуйидагилар Ахборот-таҳлил бошқармасининг асосий вазифалари этиб белги-лансин:

иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилишини ва ижтимоий-иқтисодий ва-зиятни барча йўналишлар бўйича макро даражада, шунингдек тармоқ ва ҳудудлар бўйича, марказий иқтисодиёт идоралари, давлат ва хўжалик бошқаруви республика органлари, шу жумладан жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органларининг ахбо-рот-таҳлилий ва прогноз фаолиятини мувофиқлаштириш асосида тизимли ва комп-лекс ўрганишни ташкил этиш;

макроиқтисодий ҳолат ва ижтимоий вазият мониторинги олиб борилиши ва таҳлил қилинишини таъминлаш, маълумотларнинг тегишли базаларини яратиш,

иқтисодийнинг сифат жиҳатидан ўзгаришларини ва унинг ривожланиш тенденцияларини баҳолаш;

макроиқтисодий ва ижтимоий вазият, иқтисодий ислохотларнинг макро даражада, шунингдек тармоқлар ва ҳудудлар бўйича бориши, хусусийлаштириш, таркибий ва институционал қайта ўзгартиришлар, давлат бошқаруви ва корпоратив бошқарув, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, товарлар, сармоя, меҳнат бозорини шакллантириш, фонд бозори фаолияти масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаш;

Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, департаментлари ва бўлимлари, жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органларининг иқтисодий ислохотларнинг боришини таҳлил қилиш ва иқтисодий тармоқлари, секторлари ҳамда ҳудудларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш масалаларидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви республика органлари, шунингдек жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан тайёрланадиган энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий муаммолар бўйича мақсадли дастурлар ва Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини эксперт баҳолаш;

оммавий ахборот воситаларида ёритиш, халқаро молиявий ва бошқа ташкилотлар билан биргаликдаги ишлар орқали макроиқтисодий ва ижтимоий вазиятдан жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва оммалаштиришни ташкил этиш.

4. Ахборот-таҳлил бошқармасига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат ва хўжалик бошқаруви республика органлари, Марказий банк ва тижорат банклари, Фанлар академиясидан, бозор инфратузилмасининг бошқа институтларидан, шунингдек жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органларидан Бошқармага юкланган вазифалар доирасида зарур статистик ва таҳлилий ахборотларни, бюджет статистикаси ва социологик сўровлар маълумотларини сўраш ва олиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви республика органларининг тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришнинг комплекс дастурларини ишлаб чиқиш масалаларидаги ахборот-таҳлилий ва прогноз фаолиятини мувофиқлаштириш;

Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, департаментлари ва котибиятларидан, жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органларидан Бошқармага юкланган вазифаларни амалга ошириш учун зарур ахборотларни сўраш;

Вазирлар Маҳкамасининг департаментлари ва котибиятларининг, жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органларининг иқтисодий ислохотларнинг натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, иқтисодий тармоқларини, секторларини ҳамда минтақаларни иқтисодий ривожлантириш стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

марказий иқтисодий идоралари ходимларини, маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда махсус социологик, бюджет текширувлари, таҳлилий ва ахборот тадқиқотлари ўтказиш бўйича вақтинчалик эксперт таҳлилий гуруҳлар тузиш;

ижтимоий-иқтисодий тадқиқотларга Иқтисодий вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Марказий банк ҳузуридаги илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар ходимларини ва бошқаларни жалб этиш;

қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси бўйича таклифларни, шунингдек қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатларни, макроиқтисодий, тармоқ ва минтақавий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

халқаро конференциялар, конгресслар, симпозиумлар ва кенгашлар ишида, шунингдек ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик ва ахборот-таҳлилий тадқиқотлар бўйича халқаро лойиҳаларда қатнашиш;

Бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви республика органлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий органлари, хорижий мамлакатларнинг тадқиқот ва статистика ташкилотлари билан мустақил равишда ёзишмалар олиб бориш».

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 96 Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

«Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқишга доир операциялар ўтказилишини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилансинки, 2004 йил 1 мартдан бошлаб жисмоний шахслар — резидентлар ва норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси — сўмни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва республикадан ташқарига олиб чиқишга Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи микдорининг 50 бараваридан ошмайдиган суммада рухсат берилади.

Нақд миллий валютани юқорида кўрсатилган суммадан ортиқча олиб чиқишга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсатномаси билан йўл қўйилади.

2. Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси юридик шахслар — резидентлар ва норезидентлар томонидан олиб кирилиши ва олиб чиқилишига йўл қўйилмайдиган тартиб ўрнатилсин, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсатномаси бўлган тақдирда ваколатли банклар бундан мустасно.

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ваколатли банклар томонидан олиб кирилиши ва олиб чиқилишида божхона тўловлари ундирилмайди, божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат божхона қўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 25 февраль,  
86-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ BAZИPЛAP MAХҚAMACИНИНГ ҚАРOPИ

## **97 Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида**

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни изчил амалга ошириш, қишлоқда бозор принциплари ва муносабатларини кенг жорий этиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини бозор шарт-шароитлари ва талабларига жадал мослаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссияси таркиби 1-иловага\* мувофиқ;

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссияси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қабул қилинган ҳужжатларнинг амалга оширилиши юзасидан мониторинг олиб бориш бўйича Ҳукумат комиссиясини тузиш тўғрисида» 2003 йил 19 июндаги 278-сон қарори билан тузилган Ҳукумат комиссияси вазифалари ва функцияларининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларга оид қисми Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясига берилсин.

3. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш соҳасидаги қонун ҳужжатларини амалга оширишга доир ташкилий чоратадбирлар тўғрисида» 1998 йил 3 июлдаги 281-сон қарорининг 4-банди ҳамда қарорга 2-илова;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари билан тузилган комиссиялар ва кенгашлар таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2000 йил 30 сентябрдаги 374-сон қарорига 12-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 25 февраль,  
87-сон

---

\* 1-илова берилмайди.

Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 25 февралдаги 87-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссияси тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда матнда «Комиссия» деб юритилади) фаолияти тартибини белгилайди.

2. Комиссия ўз фаолиятини қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислох қилиш таъминланишини, ислохотларни амалга оширишнинг боришини чуқур таҳлил қилишни, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича таклифлар киритиш ташаббуси билан чиқиш ва уларни тайёрлашни ташкил этиш мақсадида амалга оширади.

3. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ер кодексига, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ҳукумат қарорларига ва ушбу Низомга амал қилади.

4. Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат бошқаруви органлари ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузурида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ҳудудий комиссиялар (кейинги ўринларда матнда «ҳудудий комиссиялар» деб юритилади) фаолият кўрсатади.

6. Ҳудудий комиссияларнинг низомлари ва таркиблари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг қарорлари билан тасдиқланади.

### **II. Комиссиянинг вазифалари ва фаолияти йўналишлари**

7. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда улар асосида қабул қилинган қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислох қилишга йўналтирилган норматив ҳужжатларнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича ишларни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларида ва Ҳукумат қарорларида баён қилинган талаблар ҳамда қоидаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши устидан мунтазам равишда мониторинг олиб бориш;

қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатининг изчил ўтказилишини таъминлаш;

юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг амалга оширилиши бўйича ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил қилиш асосида йилнинг ҳар чорагида таҳлилий материаллар ва таклифларни Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқиш учун тақдим этиш;

бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган бозор принциплари ва механизмларини бошқарув тизимига, хўжалик муносабатларига кенг жорий этиш;

қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг маъмурий-бўйрукбозлик усуллари-ни қисқартириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг кундалик фаолиятига маъмурий аралашувни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш;

қишлоқда ижара муносабатларини ривожлантириш ва ҳақиқий мулкдорларни шакллантириш асосида қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш муносабатлари ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш жараёнларини жадаллаштириш;

шартномавий муносабатлар асосида хўжалик юритиш тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар ва тайёрловчилар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларнинг бажарилиши мониторингини мунтазам равишда олиб бориш;

жаҳон бозорларида вужудга келган талаб ва таклиф, нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда бозор принципларига асосланган қишлоқ хўжалигида нарх белгилаш тизими ва механизмини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини ишончли таъминлашга йўналтирилган иқтисодий, ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатларни яратиш;

қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)га ва фермер хўжаликларига ижарага берилган ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан мониторинг олиб бориш;

зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)ни фермер хўжаликларига айлантиришнинг бориши юзасидан таъсирчан мониторинг ўрнатиш;

қишлоқда зарур хизматларнинг барча турларини кўрсатишга қодир бўлган ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектларини жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш;

вазирликлар, идоралар ва ҳудудий комиссиялар билан биргаликда қишлоқда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

қишлоқда иқтисодий ислохотлар доимий равишда методик ва ҳуқуқий таъминланишини, агробизнес соҳасида хўжалик юритишнинг замонавий усуллари биландиган кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш;

қишлоқда иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилишини таҳлил қилиш, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш бўйича илғор тажрибани умумлаштириш ва оммалаштириш.

### III. Комиссиянинг ҳуқуқлари

8. Комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

вазирликлар, идоралар, ташкилотлар раҳбар ходимларининг, шунингдек ҳуду-

дий комиссияларнинг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича улар томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган норматив ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

вазирликлар, идоралар ва уюшмалардан Комиссияга юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган ахборотларни сўраш;

тегишли вазирликлар ва идоралар мутахассисларини, илмий-тадқиқот институтлари ҳамда қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий ўқув юртлари олимлари ва ўқитувчиларини материалларни тайёрлаш учун жалб этиш;

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ҳудудий комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Вазирлар Маҳкамасига паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ва истиқболсиз қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисида таклифлар киритиш;

фермер хўжаликларига айлантирилаётган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ва истиқболсиз қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) рўйхатини тегишли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таклифлари асосида келишиб олиш;

жойларда қишлоқ хўжалиги ислох қилиниши учун масъул бўлган мансабдор шахсларнинг лаёқатлилигини ва уларнинг амалий фаолияти натижаларини баҳолаш, ўз ваколатлари доирасида агросаноат комплексини юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлашга йўналтирилган чора-тадбирлар кўриш.

#### **IV. Комиссия фаолиятини ташкил этиш**

9. Комиссияга раис бошчилик қилади, у ишларни бошқаради, комиссия мажлисларини олиб боради, мажлислар протоколларини, иш режаларини ва комиссиянинг бошқа ҳужжатларини тасдиқлайди.

10. Комиссия мажлислари тасдиқланган иш режасига мувофиқ йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади. Комиссия раиси томонидан навбатдан ташқари мажлислар чақирилиши мумкин.

11. Комиссиянинг кўриб чиқиладиган масала бўйича қарори, агар унинг учун комиссия аъзоларининг кўпчилиги оддий овоз бериш йўли билан овоз берса, қабул қилинган ҳисобланади. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўз фикрини ёзма равишда билдиришга ҳақлидир.

12. Комиссия раиси билан келишувга кўра унинг мажлисда ҳолисона сабабларга кўра қатнашмаётган комиссия аъзоларини уларнинг овоз бериш ҳуқуқсиз қатнашувчи ваколатли вакиллари алмаштириши мумкин.

13. Қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида комиссия раиси комиссия аъзолари билан сўров йўли билан келишилган алоҳида масалалар бўйича комиссия қарорларини тасдиқлаши мумкин.

14. Зарурат бўлганда комиссия мажлисига кўриб чиқиладиган масалаларнинг хусусиятига қараб вазирликлар ва идораларнинг, жамоат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва меҳнат жамоаларининг раҳбарлари таклиф қилинади.

15. Комиссия йилнинг ҳар чорагида амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этади.

## V. Комиссия мажлисига материалларни тайёрлаш тартиби

16. Комиссия мажлисига материаллар ишчи орган томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек уларни тайёрлаш учун масъул бўлган комиссия аъзолари билан биргаликда комиссиянинг иш режасига мувофиқ тайёрланади.

17. Комиссия мажлисининг кун тартибидаги ҳар бир масалага доир ҳужжатларда қарор қабул қилиш учун зарур бўлган материаллар (таҳлилий маълумотномалар, жадваллар ва бошқалар) ва комиссия қарори лойиҳаси мавжуд бўлиши керак.

## VI. Комиссиянинг ишчи органи ва котиби

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси ҳамда «Ўзметвасабзавот-узумсаноат-холдинг» компаниясининг юқори малакали мутахассисларидан 5 кишидан иборат таркибдаги доимий ишлайдиган ишчи гуруҳ комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

19. Комиссиянинг ишчи органи:

комиссиянинг навбатдаги давр учун иш режаси лойиҳасини тайёрлайди;

комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур материалларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди ҳамда вазирликлар, идоралар, юридик шахслар бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тижорат банклари, корхоналар ва комиссия аъзоларидан зарур материалларни ва эксперт хулосаларини олиш ҳуқуқига эга;

таҳлилий материаллар тайёрланишини ва кун тартибидаги масалалар бўйича комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил қилади;

комиссиянинг кўриб чиқиши учун қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнлари мониторингининг ахборот ва таҳлилий материалларини тақдим этади;

худудий комиссиялар фаолиятини ва комиссиянинг қабул қилинган қарорлари бажарилишини жойларга бориб ўрганади;

комиссия аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни тегишли материалларни жўнатган ҳолда мажлиснинг ўтказиладиган санаси, вақти, жойи тўғрисида хабардор қилади;

Комиссиянинг кўриб чиқиши учун унинг қарорларига мувофиқ бошқа материалларни тақдим этади.

20. Комиссия котиби:

ишчи гуруҳ ишларига раҳбарлик қилади;

комиссия қарорларининг бажарилиши мониторингини олиб боради ва унинг натижаларини комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун тақдим этади;

комиссия мажлисига материалларни тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳнинг ишларини ташкил қилади;

комиссия раиси билан мажлислар ўтказиладиган муддатни ва жойни, шунингдек таклиф этиладиганлар таркибини келишиб олади;

комиссия протоколларини расмийлаштиради ва тасдиқланган протоколларни комиссия аъзоларига, манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига жўнатади.

21. Комиссияни тугатиш ёки қайта тузиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAХКАMАСININГ ҚАРORI

## **98 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамасининг «2004 йил макроиктисодий кўрсаткичларининг асосий параметрлари ва уларнинг бажарилишини назорат қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 15 декабрдаги 547-сон қарорига мувофиқ ҳамда банк тизимини янада ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 26 февраль,  
89-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 26 февралдаги 89-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ҳамда ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Савдога ва тижоратга қўмаклашувчи «Савдогар» ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат банкининг фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратиб беришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 1994 йил 16 апрелдаги 212-сон қарори 2-бандининг биринчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ихтисослаштирилган «Замин» давлат-акционерлик ипотека банкини ташкил этиш тўғрисида» 1995 йил 7 сентябрдаги 350-сон қарорининг 1-бандида:

биринчи хатбошидан «бошланғич устав фонди 20 миллион сўм миқдоридан бўлган» ҳамда «ва таъсисчиларнинг улушларини фоиз ҳисобида қуйидагича тақсимлаш» сўзлари;

иккинчи—ўн биринчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 15 январдаги 24-сон қароридан:

1-банднинг тўртинчи хатбошидан «хусусий банклар бўйича — сўм эквивалентидан 0,3 млн АҚШ доллари миқдоридан» сўзлари чиқариб ташлансин;

3-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«бир акциядорнинг ёки бир-бири билан боғлиқ бўлган бир гуруҳ акциядорларнинг банк устав сармоясидаги улуши устав сармояси умумий миқдорининг 25 фои-

зидан ортиқ бўлиши мумкин эмас (хусусий банклар ва хорижий сармоя иштирокидаги банклар бундан мустасно);».

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 5-сон, 25-модда) 2-бандининг учинчи хат-бошидаги «жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари (депозитлари)нинг кўпайган» сўзлари «жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ҳамда жойлаштирилган жамғарма сертификатлари хажмларининг кўпайган» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул муомаласини тартибга солиш ва республика истеъмол бозорини ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида» 1993 йил 5 майдаги 204-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **99** Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бошқаруви республика органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда фуқаро ва экспериментал авиация фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, ҳаво қатновига хизмат кўрсатишни, парвозлар хавфсизлигини текшириш ва назорат қилишни ташкил этиш, авиация фаолияти соҳасида сертификатлаштириш тартиб-қоидаларини мақбуллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

фуқаро ва экспериментал авиация фаолияти соҳасида давлат назорати;

парвозлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича фуқаро авиацияси фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификатлаштириш ишларини ташкил этиш ва таъминлаш;

йўловчилар ва юк ташиш, аэропортларда ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш ва фуқаро авиациясида авиация ишларини бажариш бўйича фаолиятни лицензиялашни ташкил этиш;

ўз ваколатлари доирасида ҳаво қатновига хизмат кўрсатиш ташкил этилиши ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудидан фойдаланиш устидан назорат қилиш;

халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ходимларининг чекланган сони 90 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 65 нафар бўлган аппарати тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

3. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғига «Дававианазорат» инспекцияси тузилмасига зарурат бўлганда ходимларнинг белгиланган чекланган сони ва таъминотга харажатлар сметаси доирасида ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.


4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Ф. Файзуллаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 26 февраль,  
90-сон

**Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг аппарати тузилмаси**



Ходимларнинг умумий чекланган сони 90 нафар, шу жумладан:  
бошқарув ходимлари — 65 нафар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 26 февралдаги 90-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда матнда «Дававианазорат» инспекцияси» деб юритилади) фуқаро ва экспериментал авиация фаолияти, ҳаво кемалари эксплуатантлари, авиация корхоналари ва ташкилотлари томонидан ҳаво кемалари қатновлари хавфсизлигини таъминловчи белгиланган қоидалар ва нормаларга риоя этилиши устидан давлат назорати соҳасидаги сиёсатни олиб бориш бўйича Ўзбекистон Республикаси авиация маъмурияти функциясини амалга оширувчи давлат органи ҳисобланади.

«Дававианазорат» инспекцияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

2. «Дававианазорат» инспекцияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Олий Мажлиснинг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

3. «Дававианазорат» инспекцияси ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маҳаллий давлат ҳокимият органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

4. «Дававианазорат» инспекциясининг моддий-техника таъминоти, шунингдек ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш:

ҳаво транспорти соҳасида фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилганлиги учун давлат божлари маблағларининг бир қисми, шунингдек олинган лицензияларга мувофиқ юридик шахслар томонидан авиация фаолиятдан олинган даромадларнинг 0,5 фоизи миқдорида мажбурий тўловлар тўланиши;

ҳаво транспорти соҳасида фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим;

фуқаро авиацияси фаолияти соҳасида сертификатлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

5. «Дававианазорат» инспекцияси юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

### **II. «Дававианазорат» инспекциясининг вазифалари ва функциялари**

6. Қуйидагилар «Дававианазорат» инспекциясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

фуқаро ва экспериментал авиация фаолияти соҳасида давлат назорати;

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

парвозлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича фуқаро авиацияси фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификатлаштириш ишларини ташкил этиш ва таъминлаш;

парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, фуқаро ҳаво кемалари ҳамда фуқаро ва экспериментал авиация аэродромларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича норматив ва қоидаларни ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш;

ўз ваколатлари доирасида ҳаво қатновига хизмат кўрсатиш ташкил этилиши ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудидан фойдаланиш устидан назорат қилиш;

фуқаро ҳаво кемаларини ҳамда фуқаро ва экспериментал авиация аэродромларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

фуқаро авиациясининг авиация техникаси ишланмалари, модификациялари ва фойдаланиш-техник ҳужжатларини тасдиқлаш;

фуқаро ва экспериментал ҳаво кемалари билан юз берган авиация ҳалокати ва бахтсиз ҳодисаларни суриштириш;

йўловчилар ва юк ташиш, аэропортларда ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш ва фуқаро авиациясида авиация ишларини бажариш бўйича фаолиятни лицензиялашни ташкил этиш;

халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси манфаатларини ифодалаш, «Дававианазорат» инспекцияси ваколатларига тегишли бўлган масалалар бўйича бошқа давлатларнинг авиация маъмуриятлари ва тузилмалари билан ўзаро алоқа қилиш ҳамда ҳамкорликни таъминлаш.

7. «Дававианазорат» инспекцияси ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) қуйидагиларга риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил этади ва амалга оширади:

парвозларни ташкил этиш, таъминлаш ва бажариш қоидалари, фуқаро ҳаво кемаларидан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш қоидалари;

фуқаро ҳаво кемаларини ишлаб чиқариш қоидалари (улардан фойдаланиш жараёнида ушбу кемаларнинг парвозлари хавфсизлигига таъсир қилувчи ишлаб чиқариш нуқсонлари аниқланган тақдирда);

фуқаро ва экспериментал авиация аэродромларидан, биргаликда фойдаланиладиган (жойлашган) аэродромлардан фуқаро ҳаво кемалари қатновлари хавфсизлигини таъминлашга оид қисми юзасидан фойдаланиш қоидалари, шунингдек ер устидаги асбоб-ускуналардан фойдаланиш қоидалари;

фуқаро ҳаво кемалари парвозлари хавфсизлигини таъминлашга тегишли қисми юзасидан (ходимларни текшириш ва уларни ишга қўйиш ҳам шу жумлага кирди) авиация ходимларини тайёрлаш қоидалари;

фуқаро ҳаво кемаларининг учишга яроқлилиги нормалари;

фуқаро ва экспериментал авиация аэродромлари фойдаланишга яроқлилиги нормалари;

фуқаро ва экспериментал авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш қоидалари;

авиация хавфсизлигини таъминлаш нормалари, қоидалари ва тартиб-қоидалари, шунингдек бошқа норматив ҳужжатлардаги авиация қоидалари;

б) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидагиларни ташкил этади ва амалга оширади:

ҳаво кемалари эксплуатантларини сертификатлаштириш, авиация техникасига техника хизмати кўрсатиш ва таъмирлашни ташкил этиш;

фуқаро ва экспериментал авиация аэродромларини, биргаликда фойдаланиладиган (жойлашган) аэродромларни, аэропортларни, авиация ходимларини, фуқаро авиациясининг авиация ўқув марказларини сертификатлаштириш;

ягона нусхадаги ҳаво кемалари турини, ушбу ҳаво кемаларини ишлаб чиқувчилар ва ишлаб чиқарувчиларни, шунингдек фаолияти парвозлар хавфсизлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган фуқаро авиациясининг бошқа объектлари ва субъектларини сертификатлаштириш (тегишли сертификатлар ёки гувоҳномалар берилган ҳолда);

фуқаро авиацияси объектларига хорижий сертификатларни, хорижий давлатларнинг авиация мутахассисларига берилган сертификатларни (гувоҳномаларни) эътироф этиш;

в) фуқаро ҳаво кемаларининг учишга яроқлилиги нормаларини, фуқаро ва экспериментал авиация аэродромлари фойдаланишга яроқлилиги нормаларини, шунингдек:

авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлашни ташкил этишни сертификатлаш;

фуқаро ва экспериментал авиация аэродромларини, биргаликда фойдаланиладиган (жойлашган) аэродромларни ва аэропортларни сертификатлаштириш;

фуқаро авиацияси авиация ўқув марказларини, шунингдек фаолияти парвозлар хавфсизлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган фуқаро авиациясининг бошқа объектлари ва субъектларини сертификатлаштириш;

парвозларни ташкил этиш ва таъминлаш, фуқаро ва экспериментал ҳаво кемаларидан учишда ва техник мақсадларда фойдаланишни ташкил этиш, фуқаро ҳаво кемалари ва аэродромларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳаво қатновини ташкил этиш, парвозларни аэродром билан таъминлаш;

ҳаво кемаларида ташиш ва авиация ишлари;

авиация ходимларини касб фаолиятига қўйиш тартиби тўғрисидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;

г) ўз ваколатлари доирасида ҳаво қатновини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини белгиланган тартибда ташкил этади ва амалга оширади;

д) ҳаво қатновига хизмат кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотларни белгиланган тартибда текширади;

е) хорижий давлатларнинг эксплуатантлари томонидан Ўзбекистон Республикасига мунтазам қатновлар бажарилиши учун фойдаланиш рухсатномалари беради ва ҳаво транспорти орқали хавфли юклар, қурол-яроқ, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулк, портловчи моддалар ва буюмлар, шунингдек ҳарбий контингентлар транзитини амалга ошириш учун хулосалар беради;

ж) фуқаро ва экспериментал авиация аэродромлари давлат реестрини ва фуқаро ҳаво кемалари давлат реестрини юритади;

з) фуқаро ва экспериментал авиация аэродромлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларни, фуқаро ҳаво кемалари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларни ва фуқаро ҳаво кемаси нусхасига учишга яроқлилиқ сертификатларини белгиланган тартибда беради;

и) экспериментал ҳаво кемаларининг давлат ҳисобини юритади ва белгиланган тартибда экспериментал ҳаво кемаларини давлат ҳисобига олинганлиги тўғрисида гувоҳнома беради;

к) фуқаро авиацияси авиация техникаси ишланмалари, модификацияларини, ҳаво кемаларидан техник ва учишда фойдаланиш бўйича ҳужжатларни тасдиқлайди;

л) фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари ва бошқа объектларининг ресурсларини ва хизмат қилиш муддатларини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилади;

м) Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ва экспериментал авиацияси ҳаво кемалари ҳамда хорижий давлатларнинг фуқаро авиацияси билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юз берган авиация ҳалокати ва бахтсиз ҳодисани текширишни ташкил этади ва амалга оширади;

н) Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемалари билан бошқа давлатлар ҳудудида юз берган авиация ҳалокати ва бахтсиз ҳодисаларни текширишда белгиланган тартибда иштирок этади;

о) авиация ҳалокати ва бахтсиз ҳодиса материалларини белгиланган тартибда тегишли органларга тақдим этади;

п) йўловчилар ва юк ташишни ташкил этиш, аэропортларда ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш ва фуқаро авиациясига авиация ишларини бажариш фаолияти лицензияланишини ташкил этади;

р) парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, норматив-ҳуқуқий базани, ҳаво кемаларидан учишда ва техник мақсадларда фойдаланишни такомиллаштириш, ҳаво навигацияси, ҳаво қатновини ташкил этиш, фуқаро авиацияси инспекторлар таркиби тайёргарлигини такомиллаштириш, авиация ҳалокати ва бахтсиз ҳодисани текшириш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар, конференциялар ва семинарлар ишида иштирок этади.

### **III. «Дававианазорат» инспекциясининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

8. «Дававианазорат» инспекцияси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

ўз ваколатлари доирасида ҳаво кемалари эксплуатантлари, авиация корхоналари ва ташкилотларининг, шунингдек, агар халқаро битимда ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистонга мунтазам парвозларни амалга оширувчи хорижий эксплуатантларнинг фуқаро ва экспериментал авиация ҳаво кемалари парвозлари хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ фаолиятини белгиланган тартибда текшириш;

Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларини тасдиқлаш;

тегишли вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлардан, юридик ва жисмоний шахслардан «Дававианазорат» инспекциясига юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган масалалар бўйича маълумотлар ва материалларни қонун ҳужжатларига мувофиқ талаб қилиш ва олиш;

учиш ишларини ташкил этиш ва ҳаво қатновига хизмат кўрсатишда, фуқаро ва экспериментал авиациянинг ҳаво кемаларидан учишда ва техник фойдаланишда аниқланган қоида бузишларни бартараф этиш, кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот тақдим этиш муддати кўрсатилган ҳолда парвозларни таъминлаш, авиация ходимларининг касб тайёргарлиги тўғрисида ижро этиш учун кўрсатмалар киритиш;

парвозлар хавфсизлигига таҳдид солаётган камчиликлар аниқланганда ҳаво кемалари эксплуатантларининг сертификатлари амал қилишини, фуқаро ҳаво кемаси нусхасига учишга яроқлилик сертификатлари амал қилишини, фуқаро ҳаво кемаси туридаги сертификат амал қилишини, фуқаро ва экспериментал авиация аэродромларининг мувофиқлик сертификатлари амал қилишини, фуқаро авиацияси мутахассисларининг гувоҳномалари амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиб туриш;

вазирликлар ва идораларга зарур ишларни бажаришни, фуқаро ва экспериментал авиациянинг ҳаво кемалари билан юз берган авиация ҳалокати ва бахтсиз ходисани текшириш жараёнида суриштириш, синаш ва ўрганишни белгиланган тартибда топшириш;

«Дававианазорат» инспекцияси ваколатларига киритилган масалалар бўйича бошқа давлатларнинг тегишли ташкилотлари билан белгиланган тартибда алоқа қилиш ва ўз ваколатига тегишли бўлган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилишини таъминлаш;

ички ва халқаро ҳаво йўлларида қатновларни амалга оширишда «Дававианазорат» инспекцияси мутахассисларини белгиланган тартибда ҳаво кемалари экипажлари таркибига текширувчилар сифатида киритиш, шунингдек синов учишлари ва бир жойдан бошқа жойга кўчиришда ва авиация ишларининг бошқа турларида Ўзбекистон Республикаси эксплуатантининг ҳаво кемалари экипажлари таркибида парвозларни бажариш.

Сертификатлаштириш ва доимий назорат қилиш, фуқаро авиацияси халқаро ташкилотининг стандартлари ва тавсия этилаётган амалиётига мувофиқлигини назорат қилиш бўйича ҳаво кемаси экипажи таркибига киритилган «Дававианазорат» инспекцияси мутахассисларининг фаолияти билан боғлиқ харажатлар ҳаво кемалари эксплуатантлари томонидан қопланади.

«Дававианазорат» инспекцияси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

«Дававианазорат» инспекцияси ходимлари «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг давлат назорати тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ назоратни амалга оширишда, ўз ваколатлари доирасида хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда ҳаво кемалари эксплуатантларига, фуқаро ва экспериментал авиация соҳасидаги фаолиятни амалга ошираётган корхоналар ва ташкилотларга белгиланган тартибда тўсиқсиз киришга ҳақлидирлар.

9. «Дававианазорат» инспекцияси ўзига юкланган вазифалар самарали бажарилиши учун жавоб беради.

«Дававианазорат» инспекцияси мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан қонун ҳужжатларига мувофиқ шикоят қилинади.

10. «Дававианазорат» инспекциясининг мансабдор шахслари ўз хизмат мажбуриятлари зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

#### **IV. «Дававианазорат» инспекцияси фаолиятини ташкил этиш**

11. «Дававианазорат» инспекциясига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Бошлиқ бир нафар ўринбосарга эга бўлади.

«Дававианазорат» инспекцияси бошлиғи мақомига кўра вазирга, унинг ўринбосари эса — вазирнинг ўринбосарига тенглаштирилади.

12. «Дававианазорат» инспекцияси бошлиғи:

яккабошчилик асосида «Дававианазорат» инспекцияси фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ва «Дававианазорат» инспекциясига юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

«Дававианазорат» инспекцияси тузилмасига ўзгартиришлар киритади, ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида «Дававианазорат» инспекциясининг

штат жадвалини, шунингдек Молия вазирлиги билан келишган ҳолда «Дававианазорат» инспекциясининг харажатлари сметасини тасдиқлайди;

«Дававианазорат» инспекциясининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

«Дававианазорат» инспекцияси ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

13. «Дававианазорат» инспекциясини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 26 февралдаги 90-сон қарорига  
З-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ҳаво транспорти эксплуатантларини сертификация қилиш тўғрисида» 1993 йил 5 октябрдаги 481-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 16 июндаги 255-сон қарорининг 2, 3, 4 ва 10-бандлари, шунингдек мазкур қарорга 1 ва 2-иловалар.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2002 йил 1 май 150-сон қарорига илованинг 8-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 23 модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 21 август 360-сон қарорига 9-илованинг II бўлими 1-банди «а» ва «в» кичик бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 73 модда).

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**100** Тасдиқланган маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
23 февралда 1315-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 4 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сон «2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан **қарор қиламиз:**

1. Тасдиқланган маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби ҳақида низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 6 февраль,  
28-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Д. САЙФИДДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 6 февраль,  
2004-19сон

**Давлат божхона қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 6 февраль,  
01-02/8-13-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**101** «Номолиявий активларга киритилган инвестициялар тўғрисида ҳисобот» бўйича 2-инвест(йиллик) ва 2-инвест (чораклик) давлат статистика ҳисоботи шакллари-ни тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
24 февралда 1316-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 5 мартдан кучга киради)*

«Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунга асосан ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 409-сонли «Қурилиш доирасидаги ҳисоботларни янада такомиллаштириш бўйича тадбирлар» тўғрисидаги қарори асосида Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. «Номолиявий активларга киритилган инвестициялар тўғрисида ҳисобот» бўйича 2-инвест (йиллик) ва 2-инвест (чораклик) давлат статистика ҳисоботи шакллари-ни тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор барча хўжалик юритувчи субъектларга фойдаланиш учун етказилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатида қайд қилинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат статистика қўмитасининг раиси Ф. ҚУДРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 23 январь,  
1-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI DAVLAT BOJXONA ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**102 «Бож олинмайдиган савдо дўкони» божхона режими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
27 февралда 1317-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 8 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 29-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 ноябрдаги «Божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 523-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. «Бож олинмайдиган савдо дўкони» божхона режими тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинганидан сўнг ўн кун муддат ўтгач кучга киритилсин.
3. Ушбу қарор кучга кириши билан «Бож олинмайдиган савдо дўкони» божхона режими тўғрисидаги низом ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин (1997 й., 10 май, рўйхат рақами 719-сон).
4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш раис ўринбосари С. Насиров зиммасига юклансин.

**Давлат божхона қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 20 январь,  
01-02/12-4-сон

Давлат божхона қўмитасининг  
2004 йил 20 январдаги 01-02/12-4-сонли  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Бож олинмайдиган савдо дўкони божхона режими тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 29-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 ноябрдаги «Божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 523-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**I. Умумий қоидалар**

1. Бож олинмайдиган савдо дўкони шундай режимки, бунда товарлар божхона

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

худудининг божхона органлари, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига мувофиқ белгиланган жойларда бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланмасдан божхона назорати остида туради ҳамда сотувга чиқарилади.

2. Бож олинмайдиган савдо дўкони режимига божхона худудига олиб кириш ҳамда ундан олиб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси худудига сотилиши тақиқланган товарлар жойлаштирилиши мумкин эмас.

3. Ўзбекистон Республикаси худудига сотилиши чекланган товарлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бож олинмайдиган савдо дўкони режимда сотилиши мумкин.

4. Бож олинмайдиган савдо дўкони режимига жойлаштирилган товарлар бож олинмайдиган махсус савдо дўконларида сотилади.

5. Бож олинмайдиган савдо дўконлари йўловчиларнинг халқаро йўналишлари учун очилган аэропортларда, портларда, жисмоний шахслар чегарани кесиб ўтишлари учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг давлат чегаралари орқали ўтказиш пунктларида таъсис этилиши мумкин.

6. Бож олинмайдиган савдо дўкони худуди (савдо заллари, ёрдамчи бинолар ва омбор) божхона назорати зонаси ҳисобланади.

7. Агар божхона тўловлари тўланиши лозим бўлса, уларнинг тўланиши учун жавобгарлик бож олинмайдиган савдо дўконининг эгаси зиммасига тушади.

## **II. Бож олинмайдиган савдо дўконига товарларнинг келиб тушиши ва товарларни бож олинмайдиган савдо дўкони божхона режимда жойлаштириш**

8. Бож олинмайдиган савдо дўкони божхона режимда жойлаштирилган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш жойи бож олинмайдиган савдо дўкони жойлашган божхона органининг фаолият худудига бўлиши мумкин.

9. Товарлар бож олинмайдиган савдо дўкони омборига божхона органининг ваколатли мансабдор шахси иштирокида ёки унинг хабардорлиги остида жойлаштирилади.

10. Товарларни бож олинмайдиган савдо дўкони божхона режимига жойлаштириш 1-иловага мувофиқ божхона юк декларациясини тўлдириш орқали амалга оширилади.

11. Божхона юк декларацияси билан бир вақтда юк ва товар ишлаб чиқариш ҳужжатлари (юкхатлар, коносаментлар, спецификациялар, фактуралар) тақдим этилади.

12. Сертификатланиши лозим бўлган товарларни бож олинмайдиган савдо дўкони божхона режимда жойлаштирганда, уларни Ўзбекистон Республикасининг божхона худудига олиб кирганда тегишли сертификатни тақдим этиш талаб қилинади.

13. Товарларни бож олинмайдиган савдо дўкони божхона режимда жойлаштирганда божхона расмийлаштирувлари учун божхона йиғимлари белгиланган тартибда ундирилади.

14. Бож олинмайдиган савдо дўкони божхона режимига маълум қилинмаган товарларни сақлаш ва сотиш учун бож олинмайдиган савдо дўконининг савдо заллари, ёрдамчи бинолари ва омборидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

## **III. Бож олинмайдиган савдо дўконига товарларни сотиш**

15. Бож олинмайдиган савдо дўконига Ўзбекистон Республикасининг божхона

худуди чегарасидан чиқиб кетаётган жисмоний шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган хорижий товарларни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чакана товарларни эркин алмаштириладиган валютага сотиб олиши мумкин.

16. Бож олинмайдиган савдо дўконида товарлар эркин муомаладаги валютада нақд пулга ёки кредит карточкалари бўйича сотилади.

17. Қўйидагилар бож олинмайдиган савдо дўкони божхона режимида сотилишига йўл қўйилмайди:

а) Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб келиш ва ундан олиб чиқиш тақиқланган товарлар, шу жумладан олиб чиқилишига лицензия талаб этиладиган товарлар, рангли ва қора металллардан тайёрланган юксак даражада қайта ишланган тайёр буюмлар бундан мустасно;

б) чакана сотиш учун ўраб жойланган ва бевосита истеъмол қилиш учун тайёр бўлган 1 килограммдан ортиқ бўлмаган нетто оғирлигидаги озиқ-овқат маҳсулотлари;

в) чакана сотиш учун ўралган дори-дармон воситалари (шу жумладан, витаминлар, витаминлар, гормонлар ва антибиотиклар), агар улар врачнинг рецептсиз (тайинлашувисиз) сотилиши мумкин бўлмаса;

г) қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан, шунингдек қаҳрабодан ясалган заргарлик буюмлари ва бошқа маиший буюмлар;

д) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан айланиши ва сотилиши тақиқланган товарлар;

е) бошқа давлат органларининг назоратидан ўтиши керак бўлган товарлар, ушбу органларнинг рухсатномаси мавжуд бўлмаган тақдирда;

ё) жисмоний шахсларнинг шахсий фойдаланиши ёки истеъмол қилиши учун мўлжалланмаган товарлар;

ж) вази оғир товарлар (20 килограммдан ортиқ оғирликда) ва ўлчами катта товарлар (узунлиги, кенлиги ва баландлиги ўлчамлари жами 200 сантиметрдан ортиқ бўлганда).

18. Бож олинмайдиган савдо дўконида намуналар бўйича, олдиндан буюртма бериш орқали, уйга олиб бориб бериш билан, тўлов муддатини узайтириш билан, шунингдек, қўшимча хизматларни кўрсатиш билан сотишга йўл қўйилмайди (сотишдан олдинги тайёргарлик, қадоқлашдан, намойиш қилишдан, қайта ўраб беришдан ва шунга ўхшаш ишлардан ташқари).

19. Товарларни бож олинмайдиган савдо дўконининг ёрдамчи биноларидан ва омборидан сотишга йўл қўйилмайди.

20. Бож олинмайдиган савдо дўкони божхона режимида жойлаштирилган товарлар билан уларнинг сақланишини таъминлаш учун зарур операцияларни, шунингдек, товарларни сотишга тайёрлаш бўйича операцияларни (ўрамларни очиш, идишлардан бўшатиб олиш ва ҳ.к.) амалга ошириши мумкин.

21. Товарлар сақланишини таъминлаш операциялари бож олинмайдиган савдо дўконининг омборида, товарларни сотишга тайёрлаш операциялари эса бож олинмайдиган савдо дўконининг омбори ёки ёрдамчи биноларида амалга оширилади. Мазкур операциялар божхона назорати остида амалга оширилади.

22. Бож олинмайдиган савдо дўконида сотиладиган товарлар божхона органи билан келишиб олинган махсус маркировкага эга бўлиши ва чакана сотиш учун олдиндан қадоқланган бўлиши керак.

23. Бож олинмайдиган савдо дўконидан товарлар сотиб олинганда дўкон ходимлари Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига чиқиб кетаётган жисмоний шахсларнинг йўл ҳужжатларига буни қайд этиб қўяди.

Қайд этиш шакли бож олинмайдиган савдо дўконининг эгаси томонидан божхона органи билан келишган ҳолда белгиланади.

Божхона органи бож олинмайдиган савдо дўконидан сотиб олинган товарларнинг ҳақиқатда олиб чиқиб кетилиши устидан назоратни амалга оширади.

24. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига чиқиб кетаётган жисмоний шахснинг бож олинмайдиган савдо дўконидан сотиб олган товарларни алмаштириш ва айирбошлаш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда, агар янги товар Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилмаётган бўлса, бундай товар импорт божи ва солиқларга тортилади, уларни ундириш эса божхона органи зиммасига юклатилади, Ўзбекистон товарлари бундан мустасно.

25. Бож олинмайдиган савдо дўкони божхона режимида жойлаштирилган товарларни бундай товарларни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга сотиш ёки бошқача тарзда бегоналаштиришда ёхуд ана шундай товарлардан уларнинг божхона режимида мувофиқ бўлмаган ҳолда фойдаланганда, шунингдек, товарлар йўқолганда ёки етишмаганда бож олинмайдиган савдо дўконининг эгаси эркин муомалага чиқариш ёки экспорт божхона режимида кўра тўланиши лозим бўладиган божхона тўловларини тўлаши керак, лекин товарлар фалокатлар ёки енгиб бўлмас кучларнинг хатти-харакатлари оқибатида йўқ бўлиб кетган, қайтариб бўлмайдиган даражада йўқолган ёхуд камомат табиий ишдан чиқиш натижасида юз берган ёки ташиш ва сақлашнинг нормал шароитида камайиб кетган ҳоллар бундан мустасно.

#### **IV. Бож олинмайдиган савдо дўкони божхона режимида жойлаштирилган товарлар ҳисоби**

26. Бож олинмайдиган савдо дўкони божхона режимидаги товарлар дўкон эгаси ва божхона органи томонидан албатта ҳисобга олиниши керак.

27. Бож олинмайдиган савдо дўконининг эгаси бож олинмайдиган савдо дўкони божхона режимида жойлаштирилган товарларни 2-иловада келтирилган шаклда ҳисобга олиш дафтарини юритиш орқали ҳамда автоматлаштирилган тизимдан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобини олиб боради.

Ҳисобга олиш дафтарлари ва электрон база маълумотлари календарь йиллари бўйича юритилади. Бундай дафтарлар олдиндан тикиб қўйилган, рақамланган, брошюра ҳолига келтирилган ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолият юритаётган ҳудудда божхона органи бошлигининг ёхуд божхона органи бошлиғи ўринбосарининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Охирги ёзув киритилганидан кейин ҳисобга олиш дафтари, электрон шаклдаги солиштириш учун божхона органига берилади. Солиштириб бўлинганидан кейин ҳисобга олиш дафтари бож олинмайдиган савдо дўконининг эгасига қайтарилади ва у ерда камида уч йил сақланади. Ҳисобга олиш дафтари солиштириб бўлинганидан кейин унга қўшимча ёзувлар ёки тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Божхона органининг розилиги билан ҳисобга олиш дафтарининг 2-иловада келтирилган намунавий шаклини ўзгартиришга йўл қўйилади, лекин бундай шаклда ана шу намунада кўрсатилган барча маълумотлар бўлиши керак.

28. Божхона органи божхона юк декларациясидан ва автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимидан фойдаланган ҳолда товарларни ҳисоб-китоб қилади.

29. Божхона органи бож олинмайдиган савдо дўконининг савдо залларида,

ёрдамчи биноларида ва омборида турган товарларни инвентаризациядан ўтказишга ҳақлидир.

#### **V. Бож олинмайдиган савдо дўконининг эгаси билан божхона органи ўртасидаги ўзаро муносабатлар**

30. Фаолияти доирасида бож олинмайдиган савдо дўкони очилаётган божхона органи бож олинмайдиган савдо дўкони эгасининг фикрини ҳисобга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан келишган ҳолда бож олинмайдиган савдо дўконини ишлатиш тадбирларини тасдиқлайди.

31. Тадбирларда қуйидагилар қайд этилади:

божхона органининг бож олинмайдиган савдо дўконининг савдо залларини, ёрдамчи биноларини ва омборини жиҳозлаш;

дўконнинг иш режими;

бож олинмайдиган савдо дўконидан сотиладиган товарларни маркировкалаш усули ва шакли;

бож олинмайдиган савдо дўконидан товарлар сотиб олинганлиги ҳақидаги қайд шакли;

товарларни ҳисобга олиш шакли;

бож олинмайдиган савдо дўконига келтирилган ва сотилган товарлар тўғрисидаги маълумотни топшириш муддатлари.

32. Мазкур тадбирлар ушбу Низомга ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлиши мумкин эмас.

#### **VI. Яқунловчи қоидалар**

33. Дўкон эгаси санитария қоидаларига, омборга жойлаштириш нормаларига, товарларнинг ёнма-ён қўйилиши қоидаларига ва сақлаш режимига, давлат стандартларининг мажбурий талабларига риоя этиши, савдо соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талаблар ва шартларни бажарилиши учун жавобгардирлар.

Бож олинмайдиган савдо дўкони  
божхона режими тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

#### **«Бож олинмайдиган савдо дўкони» божхона режимига жойлаштириладиган товарларни декларациялашда ва ушбу режим фаолиятининг ниҳоясига етказилишида БЮДни тўлдириш тартиби**

I. Бож олинмайдиган савдо дўкони божхона режимида жойлаштириладиган товарларни декларациялаш вақтида БЮДни тўлдириш тартиби.

1. Декларант томонидан БЮД асосий варағининг қуйидаги устунлари ва қўшимча варақларнинг тегишли устунлари тўлдирилади:

1, 2, 3, 5, 6, 9, 14, 15, 15а, 16, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 41, 42, 44, 46, 47, 54, А,В

3, 5, 6, 14, 15, 15а, 16, 18, 19, 21, 22, 23, 24, 25, 29, 31, 33, 34, 35, 36, 37, 38,

41, 42, 44, 46, 47, 54, А, В устунлар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 1999 йилнинг 24 сентябрида тасдиқланган «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг (кейинги ўринларда — Йўриқнома) (1999 йил 3 ноябрь, рўйхат рақами 834-сон) учинчи ёки олтинчи бўлимларига мувофиқ тўлдирилади.

1, 2, 9, 28, 30-устунларни тўлдириш қуйидаги ўзига хос жиҳатларга эга:

1-устун **«Декларация тури»**

Бож олинмайдиган савдо дўкони божхона режимида жойлаштирилладиган товарларни декларациялаш устунининг биринчи бўлимаси қуйидагича кўрсатилади:

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилган ва ушбу ҳудудга олиб кирилиб, бирон бир божхона режимида расмийлаштирилган («эркин муомалага чиқариш» божхона режимидан ташқари — ИМ40) товарларга нисбатан;

Ўзбекистон товарларига нисбатан — «ЭК».

Иккинчи бўлимасида божхона режимининг асосий коди кўрсатилади — «72».

Устуннинг учинчи бўлими тўлдирилмайди.

2-устун **«Юк жўнатувчи — экспортёр»**

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилган ва ушбу ҳудудга олиб кирилиб, бирон бир божхона режимида расмийлаштирилган товарларга нисбатан, Йўриқноманинг 3-бўлимига мувофиқ тўлдирилади.

Бож олинмайдиган савдо дўкони божхона режимида Ўзбекистон товарларини жойлаштиришда БЮДда корхонанинг, ташкилотнинг ва муассасанинг номи ва манзили ёки шахснинг исм-шарифи, ҳамда жисмоний шахснинг паспортидаги маълумотлар кўрсатилади. Қолган маълумотлар Йўриқноманинг 2-бўлимига мувофиқ тўлдирилади.

9-устун **«Молиявий бошқариш бўйича жавобгар шахс»**

Ушбу устунда БЮДларни тўлдириш бўйича Йўриқномага мувофиқ бож олинмайдиган савдо дўкони эгаси тўғрисида маълумотлар кўрсатилади.

28-устун **«Молиявий ва банк тўғрисидаги маълумотлар»**

Ушбу устунда (ҳар бир реквизитлар янги қатордан бошланиши ва ҳар бирининг олдиан тартиб бўйича рақам қўйилиши лозим).

1 — Бож олинмайдиган савдо дўкони эгасининг ҳисоб рақами очилган банкнинг қисқача номланиши ва ОКПО коди, сўмдаги ҳисоб рақами.

2 — Бож олинмайдиган савдо дўкони эгасининг ҳисоб рақами очилган банкнинг қисқача номланиши ва ОКПО коди, хорижий валютадаги ҳисоб рақами.

30-устун **«Товарларни кўриқдан ўтказиш жойи»**

Ушбу устунда Бож олинмайдиган савдо дўкони фаолияти учун олинган лицензия рақами кўрсатилади.

Бож олинмайдиган савдо дўкони  
тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

102-модда

**Бож олинмайдиган савдо дўкони омборидаги товарлар ҳаракатини  
ҳисобга олиш китоби**

Т/р	Дўконга келиб тушиш санаси	БЮД рақами	Товарнинг қисқача номланиши	Товарларнинг статуси	Юк ўрни ва келиб тушган оғирлиги (кг. л.)	Омбордан чиқарилган санаси	Чиқарилган юк оғирлиги	Изоҳ

— 34 —

8 (92)-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**103 «Божхона омбори» божхона режими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
27 февралда 1318-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 8 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 25,26-моддаларига мувофиқ ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 ноябрдаги «Божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» ги 523-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. «Божхона омбори» божхона режими тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида давлат рўйхатига олинганидан сўнг ўн кун муддат ўтгач кучга киритилсин.
3. Ушбу қарор кучга кириши билан «Божхона омбори» божхона режими тўғрисидаги низом ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин. (1999 йил 27 июль, рўйхат рақами 780-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон).
4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш раис ўринбосари С. Насиров зиммасига юклансин.

**Давлат божхона қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 20 январь,  
01-02/12-3-сон

Давлат божхона қўмитасининг  
2004 йил 20 январда 01-02/12-3-сонли  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Божхона омбори» божхона режими тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 25-26, 54—58-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 ноябрдаги 523-сонли «Божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, товарларни «Божхона омбори» божхона режимига жойлаштиришда, божхона омборида сақлашда ва чиқаришда божхона операцияларини амалга ошириш ҳамда божхона тўловларини тўлаш тартибини белгилайди.

## I. Умумий қоидалар

1. Божхона омбори шундай режимки, бунда олиб кирилган товарлар сақлаш даврида импорт божи, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан божхона назорати остида сақланади, экспорт режимда олиб чиқишга мўлжалланган товарлар эса божхона назорати остида Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 26-моддасида назарда тутилган имтиёзлар берилган ҳолда сақланади.

2. Товарлар ва транспорт воситалари божхона омборига сақлаш учун топширилгунига қадар ушбу товарлар ва транспорт воситалари ҳамда божхона тўловларини тўлаш учун жавобгар ташувчи ҳисобланади.

## II. Товарларни божхона омборига жойлаштириш

3. Божхона омборидан божхона омбори ва вақтинча сақлаш режимларига жойлаштирилган товарларни сақлаш учун фойдаланилади.

Божхона органлари томонидан таъсис этилган божхона омборида божхона органлари томонидан олиб қўйилган товарларни сақлашга йўл қўйилади.

Божхона омборларига қўйидаги товарлар жойлаштирилиши мумкин эмас:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва ундан олиб чиқиш тақиқланган товарлар;

божхона омбори режимига баён этилган куни белгиланган, яроқлилиқ, фойдаланиш ва сақлаш муддати ўтган ҳамда тез бузилувчан товарлар.

4. Бошқа товарларга зарар етказиши мумкин бўлган ёки алоҳида шарт-шароитларда сақланиши талаб этиладиган товарлар, шундай товарларни сақлаш шароитларига мос равишда жихозланган ихтисослаштирилган божхона омборларига жойлаштирилиши лозим.

5. Товарлар божхона омборига божхона органи мансабдор шахслари иштирокида ёки уларнинг хабардорлигида жойлаштирилади.

6. Божхона омбори режимига жойлаштириладиган товарлар божхона органига 1-иловада белгиланган тартибда тўлдирилган божхона юк декларациясини тўлдириш орқали декларацияланиши лозим.

7. Божхона юк декларацияси билан божхона органига қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

товарларнинг юк ва товар кузатиш ҳужжатлари (юк хатлари, коносаментлар, спецификациялар, ҳисоб-фактуралар, инвойслар);

товарлар илгари бошқа божхона режимига жойлаштирилган ҳолларда расмийлаштирилган божхона юк декларацияси (учинчи варағи);

божхона расмийлаштируви ва назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар (божхона кўриги ва қайта ортиш далолатномалари, экспертиза хулосалари).

Сертификатланадиган товарларни божхона омборига жойлаштиришда сақлаш муддати учун сертификат тақдим этилиши талаб этилмайди.

8. Ўсимлик ва ҳайвонлардан олинган маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасига олиб киришда тегишли давлат органлари томонидан фитосанитария ва ветеринария назоратидан ўтказилмаган бўлса, бундай назоратдан божхона омборига жойлаштиришда ўтказилади.

9. Божхона омборига жойлаштирилган ва унда сақланаётган товарларни белгиланган тартибда бегоналаштириш ва уларга нисбатан эгалик, фойдаланиш ёки тасарруф этиш ҳуқуқини бошқа шахсларга ўтказиш мумкин.

Товарларни божхона омборига жойлаштирган шахс ушбу товарларни бегона-лаштириш, уларга нисбатан эгалик, фойдаланиш ёки тасарруф этиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш тўғрисида олдиндан божхона постига хабарнома бериб, қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

божхона омборида сақланаётган товарлар (номи, миқдори, божхона қиймати, божхона омбори режимига расмийлаштирилган божхона декларацияси рақами);

товарларни бегоналаштириш, уларга нисбатан эгалик, фойдаланиш ёки тасарруф этиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга асос бўлаётган ҳужжатлар;

товарларга нисбатан мулкӣ ҳуқуқни эгаллаётган шахс тўғрисидаги маълумот (ташкилий-ҳуқуқӣ шакли кўрсатилган ҳолда ташкилотнинг номи).

10. Ўз ташки ўлчамлари (габаритлари) билан божхона омборига жойлаштириш имконияти бўлмаган товарларни Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий божхона бошқармасининг ёки ихтисослаштирилган божхона комплексининг (кейинчалик — ДБҚБ ёки ИБК) ёзма рухсатномаси мавжуд бўлган тақдирда яқин бўлган божхона омборига амалда жойлаштирамасдан божхона омбори режимда расмийлаштириш мумкин.

Рухсатнома олиш учун божхона омбори режимини баён қилувчи шахс божхона омбори жойлашган ҳудудда фаолият кўрсатувчи ДБҚБ ёки ИБКга товарлар номлари, уларнинг божхона қиймати ва миқдори, товарларни сақлашга бериш зарурлигининг асосланган сабаблари, товарларни сақлаш учун мўлжалланган жой (аниқ манзили) ва сақлаш учун жавобгар шахслар (мансаби, фамилияси, исми, шарифи) кўрсатилган ихтиёрий ёзма шаклдаги ариза тақдим этади.

Кўрсатилган шахс ариза билан биргаликда товарларни сақлаш учун бериш асосларини ҳамда аризада кўрсатилган жойда сақлаш имкониятини тасдиқловчи ҳужжатлар ва маълумотларни (шартнома, техник паспорт, фотосуратлар ва ш.к.) тақдим этади.

Товарларни «Божхона омбори» режимда сақлаш учун мурожаат этган шахсга бериш мумкинлиги тўғрисидаги қарор бундай бериш шартлари (сақлаш жойи белгиланади, қиёслаш воситалари кўрсатилади) қайд қилинган ДБҚБ ёки ИБК бошлиғи (унинг ўринбосари) томонидан имзоланган хат шаклида қабул қилинади.

### **III. Божхона омбори режимдаги товарлар билан амалга ошириладиган операциялар**

11. Божхона омборида сақланаётган товарларнинг сақланишини таъминлаш бўйича уларнинг ҳолатини ўзгартирмаслик, ўровини бузмаслик ва босилган қиёслаш воситаларини ўзгартирмаслик шартлари бажарилган тақдирда қуйидаги операцияларни амалга оширишга йўл қўйилади:

тозалаш, шамоллатиш, қуритиш (шу жумладан, иссиқлик оқимини ҳосил қилиш билан);

сақлашнинг мақбул температура режимини ҳосил қилиш (совутиш, музлатиш, иситиш);

ҳимоя ўровига жойлаштириш, ҳимоя мойи ва консервантлар суртиш;

занглашдан ҳимоя қилиш учун бўяш, сақлаш қопламаларини киритиш;

ташишдан олдин чиришга қарши бўёқ билан қоплаш;

ўлчаш, текшириш, тортиш;

божхона омбори ҳудудида жойини ўзгартириш.

12. Божхона омборига жойлаштирилган товарлар билан 11-бандда кўрсатилган

операциялардан ташқари сотишга ва ташишга тайёрлаш бўйича қуйидаги операцияларни амалга ошириш мумкин:

туркумларга бўлиш ва жўнатмаларни шакллантириш;

саралаш, ўраш, қайта ўраш, маркалаш;

ортиш, тушириш, қайта ортиш;

комплектлаш ёки иш ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлган оддий операциялар;

товарларни намоёниш қилиш стендларига жойлаштириш ва тестдан ўтказиш.

13. 12-бандда кўрсатилган операциялар товарга нисбатан ваколатга эга бўлган шахс (унинг вакили) ёки божхона омбори эгасининг товарлар, операциялар ва уларни амалга оширишда фойдаланиладиган техник воситалар ва материаллар қайд қилинган ёзма аризаси бўйича фақат божхона постининг ёзма рухсатномаси асосида ўтказилади.

Мазкур операцияларни ўтказиш учун рухсатнома пост бошлиғи (ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс) томонидан аризага «\_\_\_\_\_ (товар номи, миқдори кўрсатилади) билан \_\_\_\_\_ (операциялар кўрсатилади) ўтказишга рухсат берилади» резолюциясини ёзиш ва шахсий муҳр билан тасдиқланган имзо қўйиш йўли билан берилади ва у манфаатдор шахсга топширилади. Мазкур ариза божхона пости томонидан белгиланган иш юритиш тартиби бўйича қабул қилинади ва рўйхатга олинади.

14. 11 ва 12-бандларда кўрсатилган операциялар товарга нисбатан ваколатга эга бўлган шахслар ва уларнинг вакиллари томонидан божхона омбори ҳудудида, товарларни божхона омбори режимида божхона омборига амалда жойлаштирмасдан расмийлаштирилган ҳолда эса божхона назорати зонаси ҳудудида амалга оширилади.

15. Товарлар билан ўтказиладиган барча операциялар бундай товарларнинг ТИФ ТН бўйича рақам кодини тўққизинчи белгиси даражасида классификацияланишининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган хусусиятларини (сифатини) ўзгартирмаслиги лозим.

#### IV. Божхона тўловларини тўлаш

16. Товарларни божхона омбори режимига жойлаштиришда қонунчиликка мувофиқ божхона йиғимлари ундирилади.

17. Агар товарларни амалда четга олиб чиқиш вақтида тўловлардан озод қилиш ёки тўланган суммани қайтариш назарда тутилган бўлса, божхона омбори режимига жойлаштирилган ва экспорт режимига кўра олиб чиқишга мўлжалланган товарлар бождан, солиқлардан озод қилинади ёхуд тўланган суммалар қайтарилади. Бу товарлар божхона омбори режимига жойлаштирилган кундан бошлаб уч ойдан кечикмай олиб чиқилиши лозим.

Товарлар белгиланган муддатларда амалда олиб чиқилмаган тақдирда бож, солиқлар, шунингдек уларнинг фоизлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тўланади.

18. Божхона омбори режимига жойлаштирилган товарлар божхона органининг рухсатсиз бошқа шахсга бериб юборилган ёки йўқотилган ҳолларда, ҳамда агарда товарлар фақат ҳалокат ёки енгиб бўлмас куч таъсири оқибатида йўқ бўлган, қайтариб бўлмайдиган ҳолда қўлдан кетган ёхуд камомад, табиий эскириш ёки нормал сақлаш шароитида камайиш туфайли юзага келган бўлмаса, омбор эгаси товарлар

эркин муомалага чиқарилган ҳолда тўланиши лозим бўлган божхона тўловларини тўлаши лозим.

Бундай товарларга нисбатан божхона омбори режимига мувофиқ божхона декларацияси қабул қилинган кун амалда бўлган божлар, солиқлар ставкалари қўлланилади.

19. Божхона омбори эгасининг божхона тўловларини тўлаш учун жавобгарлиги товарларни божхона омборига расмийлаштирилган омбор ҳужжатлари (ҳисобга олиш китоби, божхона ҳисоб ҳужжати) бўйича сақлаш учун қабул қилинган вақтдан бошланади.

#### **V. Божхона омборида сақланаётган товарлар ҳисоби ва ҳисобот**

20. Омборга жойлаштирилаётган товарларни омбор эгаси қуйидаги омбор ҳужжатларида рўйхатга олиши лозим:

1) ҳисобга олиш китобида (2-илова);

2) Божхона ҳисоб ҳужжатида (божхона ҳисоб ҳужжати сифатида божхона декларациясидан фойдаланиш мумкин).

Омбор эгаси товарларнинг автоматлаштирилган ҳисобини юритиши лозим. Божхона органи муайян ҳисоб программа комплексидан фойдаланиш талабларини белгилашга ҳақли.

21. Божхона омборидаги товарларнинг ҳисоб ҳужжатлари беш йил сақланиши лозим.

22. Омбор эгаси ойига бир маротаба божхона омборида сақланаётган товарлар ва сақлаш муддатлари тўғрисида божхона органига 3-иловада келтирилган шаклда ҳисобот тақдим этиши шарт.

Божхона органи етарли асослар бўлган тақдирда омбор эгасидан омборда сақланаётган товарлар тўғрисида маълумот талаб қилишга ҳақли. Бундай маълумот божхона органи бошлиғи ёки унинг ўринбосарининг ёзма талабномаси етказилгандан кейин уч кун муддат ичида тақдим этилиши лозим.

23. Божхона органи ёпиқ турдаги божхона омбори эгаси учун омборда сақланаётган товарлар тўғрисида содалаштирилган ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилаши мумкин.

24. Божхона органи омборда сақланаётган товарларни инвентаризациялашга ҳақли.

#### **VI. Товарларни сақлаш муддатлари**

25. Товарлар божхона омбори режимда уч йил мобайнида туриши мумкин. Ушбу муддат айрим шахслар учун божхона органи томонидан чекланиши мумкин. Товарларни сақлашнинг чекланган муддати бир йилдан кам бўлмаслиги керак (сақлаш, истеъмол қилиш ва сотишга яроқлилик муддатлари чекланган товарлар бундан мустасно). Сақлашнинг аниқ муддатлари белгиланган меъёрларда товарларни сақлашга жойлаштирувчи шахс томонидан омбор эгаси билан биргаликда аниқланади.

Сақлаш, истеъмол қилиш ва сотишга яроқлилик муддатлари чекланган товарлар белгиланган муддат ўтишидан олти кун олдин бошқа божхона режимига расмийлаштирилиши ва божхона омборидан олиб чиқиб кетилиши лозим.

26. Товарларни божхона омборида сақлаш муддатлари қонунчилик билан белгиланган муддатлар доирасида божхона омборига товар жойлаштирган шахснинг ёзма сўровномаси бўйича божхона пости томонидан узайтирилиши мумкин. Сўровнома

асосли сабаблар кўрсатилган ҳолда белгиланган муддат ўтишидан ўн кун олдин берилиши лозим.

Сўровнома божхона пости томонидан ички иш юритиш тартибларига мувофиқ рўйхатга олинади ва товарларни божхона омборида сақлаш муддатларини узайтириш тўғрисидаги қарор божхона пости бошлиғи ёки унинг вазифасини бажарувчи мансабдор шахс томонидан қабул қилинади.

Товарларни божхона омборида сақлаш муддатини узайтириш рад этилган тақдирда божхона органи мурожаат этган шахсга рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда қонуний асослантирилган хулоса хатини беради.

Хулоса хати ёки рухсат бериш тўғрисидаги қарор кўрсатилган шахсга ёхуд унинг вакилига шахсан имзо орқали топширилади ёки почта орқали юборилади.

Товарларни сақлаш муддатларини узайтириш тўғрисидаги қарор ёки бундай узайтиришни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган хулоса узайтириш тўғрисидаги сўровнома рўйхатга олинган кундан бошлаб уч кун мобайнида қабул қилиниши лозим.

Товарларни божхона омборида сақлаш муддати узайтирилган ҳолларда божхона омборига товар жойлаштирилган божхона юк декларациясига («С» катаги) божхона пости ходими «Муддати \_\_\_\_\_ (сўровномани божхона органида рўйхатга олиш рақами, санаси) асосан \_\_\_\_\_ (кун, ой, йил) узайтирилди» ёзувини қайд қилади ва имзо қўйиб, шахсий муҳр билан тасдиқлайди.

## VII. Товарларни омбордан чиқариш

27. Божхона омбори режимида туришнинг белгиланган муддати тугагунга қадар товарни бошқа божхона режимига жойлаштириш сўралиши керак. Бундай товарнинг танланган режимга божхона расмийлаштируви тўлиқ ёки қисмлар билан амалга оширилиши мумкин.

28. Бошқа режимга сўралган товарлар танланган режимга мувофиқ расмийлаштирилгандан 3 кун муддатда омбордан амалда олиб чиқиб кетилиши лозим.

29. Товарларни эркин муомалага чиқариш режимида расмийлаштириш ёхуд бошқа божхона режимига жойлаштириш мақсадларидаги божхона қиймати ва миқдорлари омбордан чиқариш вақтида аниқланади.

30. Божхона омбори режимига мувофиқ товарларни сақлаш муддати тугагунга қадар, бироқ белгиланган кундан 15 кун олдин божхона пости бошлиғи ёхуд унинг вазифасини бажарувчи товарнинг қонуний эгасига эркин шаклдаги билдириш хатини беради. Билдириш хати кўрсатилган шахсга шахсан имзо орқали топширилади ёки почта орқали юборилади.

31. Белгиланган муддат тугагунга қадар божхона омбори режимида сақланаётган товарларни бошқа режимга жойлаштириш сўралмаса, муддат ўтгандан сўнг иккинчи кун божхона постининг ваколатли мансабдор шахси томонидан белгиланган шаклдаги божхона қонунчилиги бузилганлиги тўғрисида баённома тузилади.

32. Белгиланган муддат тугагандан сўнг бошқа режимга сўралмаган товарлар вақтинча сақлаш режимига жойлаштирилади.

33. Товарларнинг божхона режимини ўзгартирмаган ҳолда бир божхона омборидан бошқа божхона омборига ўтказишга йўл қўйилади. Бундай товарларни амалда олиб ўтиш божхона назорати остида товарларни етказиб бериш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда товарларни сақлаш муддати божхона омборига энг аввалги жойлаштирилган санадан ҳисобланади ва божхона омборида туриш муддати тўхтатилмайди.

34. Товарларни бир божхона омборидан бошқа божхона омборига олиб ўтиш

учун рухсатнома олиб ўтишга мўлжалланган товарларни назорат қилувчи ДБКБ ёки ИБК бошлиғи (унинг ўринбосари) томонидан имзоланган хат шаклида берилади.

35. Божхона омбори режими остида бўлган ва бир божхона омборидан бошқа божхона омборига олиб ўтиладиган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишда мазкур режимга товар жойлаштирилган божхона юк декларациясининг (кейинчалик — БЮД) бешинчи варағи ёки унинг нусхаси (божхона органи томонидан тасдиқланган), юк етказишни назорат қилиш китобчаси (кейинчалик — ЮЕНҚК) фойдаланилади.

Товарлар божхона кўриги ва кейинчалик сақланадиган божхона омборига амалда жойлаштирилгандан сўнг ушбу омбор жойлашган ҳудудда фаолият кўрсатувчи божхона пости ходими БЮДда илгари қайд қилинган (49-катак) лицензия рақами, берилган санасини ўзгартиради ва имзо қўйиб шахсий муҳр билан тасдиқлайди.

Олиб чиқиб кетилган товар етказиб берилганлиги тасдиқлангандан сўнг ушбу товар назоратда бўлган божхона постида БЮДга ЮЕНҚКнинг нусхаси қўшиб қўйилади. БЮДнинг биринчи варағига («С» катаги) ёки унинг орқа томонига божхона пости ходими товарнинг (товар партиясининг қисмини) бошқа божхона омборига олиб ўтилганлиги тўғрисида белги (товар етказиб берилган ЮЕНҚК рақами, жойлаштирилган божхона омбори лицензия рақами) ва имзо қўйиб шахсий муҳр билан тасдиқлайди.

### **VIII. Божхона органи билан омбор эгасининг ўзаро муносабатлари**

36. Омбор эгаси омбор, унда сақланаётган товарлар туридан ва омборнинг фаолият кўрсатиши билан бевосита алоқадор бошқа омиллардан келиб чиққан ҳолда божхона омборидан фойдаланиш тартиб-қоидасини божхона органи билан келишиб тасдиқлайди.

37. Тартиб-қоидаларда қуйидагилар белгиланади:

божхона омбори, шу жумладан божхона органи ходимлари учун бинолар жиҳозланишига божхона органининг талаблари;

омборнинг иш режими;

товарлар ҳисоб шакллари;

омбор эгаси томонидан божхона омборида сақланаётган товарлар тўғрисида ҳисобот тақдим этиш шакллари ва муддатлари;

божхона омбори ишини таъминловчи, унда сақланаётган товарлар билан юк ва бошқа операцияларни амалга оширувчи шахсларнинг божхона омборига кириш-чиқиш тартиблари;

божхона омбори фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа талаблар ва шартлар.

38. Кўрсатиб ўтилган тартиб-қоидалар мазкур Низомга ва божхонага оид қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги лозим.

### **IX. Яқуний қоидалар**

39. Товарларни божхона омбори режимига мувофиқ божхона расмийлаштирувидан ўтказувчи божхона органи божхона омборига жойлаштирилган товарлар ва бунда бажариладиган божхона операциялари тўғрисида божхона статистикасини юритиш мақсадларида юқори божхона органига Ўзбекистон Республикаси ДБКси белгилаган тартибда ҳисобот тақдим этади.

40. Божхона омбори божхона режимига жойлаштирилган товарлардан фойдаланиш ва тасарруф этиш тартибини бузган ёхуд ушбу режимни қўллаш шартлари-

ни бажармаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

Божхона омбори божхона режими  
тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

### **Божхона омбори божхона режимига товарларни жойлаштиришда божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби**

Божхона омбори божхона режимига товарларни жойлаштиришда декларант божхона юк декларациясининг қуйидаги устунларини тўлдиради:

1, 2, 3, 5, 6, 8, 9, 13, 14, 15, 15а, 16, 19, 22, 23, 28, 31, 32, 33, 35, 37, 38, 40, 42, 44, 47, 49, 54, В.

Экспорт божхона режимига мувофиқ олиб чиқиб кетиш учун мўлжалланган товарларни божхона омборига жойлаштиришда кўрсатиб ўтилган устунлардан 15, 15а лар тўлдирилмасдан, 17, 17а устунлар тўлдирилади.

1, 2, 8, 9, 28, 44, 49-устунларни тўлдириш қуйидаги хусусиятларга эга:

#### ***1-устун. «Декларация тури»***

Устуннинг биринчи бўлинмасида божхона омборига Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб келинадиган товарларни жойлаштиришда «ИМ» кўрсатилади, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетиш учун мўлжалланган товарларни жойлаштиришда эса «ЭК» кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан товарлар олиб ўтиш жараёни классификаторига биноан устуннинг иккинчи бўлинмасида божхона омбори режимининг ҳарфий белгиси — «74» кўрсатилади.

Устуннинг учинчи бўлинмаси тўлдирилмайди.

#### ***2-устун. «Жўнатувчи/экспорт қилувчи»***

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб келинадиган товарларни божхона омборига жойлаштиришда устунда товарларни жўнатган хорижий ташкилотнинг номи ва почта манзили кўрсатилади.

Жисмоний шахсларга нисбатан устунда шахснинг исми, фамилияси, отасининг исми ва манзили, шу жумладан, почта индекси ва телефон рақами кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб кетиладиган товарлар бўйича устунда товарни божхона омборига жойлаштирувчи шахснинг номи, индекси ва почта манзили, шунингдек, телекс ва/ёки телефакс рақами кўрсатилади. Жисмоний шахсларга нисбатан устунда шахснинг исми, фамилияси, отасининг исми ва манзили, шу жумладан, почта индекси ва телефон рақами ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Устуннинг юқори қисмида «№» белгисидан сўнг жўнатувчининг 8 та рақамли коди «Корхоналар ва ташкилотлар умумий таснифномаси» (КТУТ)га мувофиқ кўрсатилади. Агарда жўнатувчи жисмоний шахс бўлса юқори ўнг қисмида «№» белгисидан сўнг КТУТ кодининг ўрнига 00000001 рақамлари қўйилади. Хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарига, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга тегишли товарларни декларациялашда КТУТ коди кўрсатилмайди.

Устуннинг пастки қисмида «№» белгисидан сўнг солиқ тўловчининг идентификацион (ИНН) рақами қайд қилинади. Товарларни тадбиркорлик мақсадларидан ташқари декларациялашда ҳамда қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда маз-

кур устун тўлдирилмайди. Агарда товар жўнатувчи жисмоний шахс бўлса ИНН рақамидан кейин / белгисидан сўнг маъмурий-худудий бўлинишни белгилаш системасига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 1999 йил 24 сентябрда тасдиқланган «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг 11-илоvasи) аҳоли пунктнинг коди кўрсатилади.

**3-устун. «Қўшимча варақлар»**

Агар қўшимча варақлар ишлатилса устун тўлдирилади. Устуннинг биринчи бўлинмасида варақнинг тартиб рақами, иккинчисида декларациянинг тақдим этилаётган варақлари, шу жумладан, қўшимча варақларнинг умумий сони кўрсатилади.

Масалан, агар иккита қўшимча варақли битта декларация мавжуд бўлса, декларациянинг ўзида 1/3 кўрсатилиши керак; биринчи қўшимча варақда — 2/3; иккинчисида 3/3 кўрсатилади.

**5-устун. «Товарларнинг барча номлари»**

Устунда декларация ва қўшимча варақларнинг «Товарнинг баёни» (31-устун) устунда кўрсатилган товарлар номларининг умумий миқдори (рақамларда) кўрсатилади.

Қўшимча варақларда ҳар қандай фойдаланилмаган «Товарнинг баёни» устунлари ўчириб қўйилади.

**6-устун. «Жойлар сони»**

Устунда декларация қилинаётган товарлардаги жойларнинг умумий сони кўрсатилади.

**8-устун. «Олувчи/импорт қилувчи»**

Ўзбекистон Республикасининг божхона худудига олиб кириладиган товарлар бўйича устунда товарни божхона омборига жойлаштирувчи шахснинг номи, индекси ва почта манзили, шунингдек, телекс ва/ёки телефакс рақами кўрсатилади. Жисмоний шахсларга нисбатан устунда шахснинг исми, фамилияси, отасининг исми ва манзили, шу жумладан, почта индекси ва телефон рақами ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Устуннинг юқори қисмида «№» белгисидан сўнг олувчининг 8 та рақамли коди КТУТга мувофиқ кўрсатилади. Агарда олувчи жисмоний шахс бўлса юқори ўнг қисмида «№» белгисидан сўнг КТУТ кодининг ўрнига 00000001 рақамлари қўйилади. Хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарига, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга тегишли товарларни декларациялашда КТУТ коди кўрсатилмайди.

Устуннинг пастки қисмида «№» белгисидан сўнг солиқ тўловчининг идентификацион (ИНН) рақами қайд қилинади. Товарларни тадбиркорлик мақсадларидан ташқари декларациялашда ҳамда қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда мазкур устун тўлдирилмайди. Агарда олувчи жисмоний шахс бўлса ИНН рақамидан кейин / белгисидан сўнг маъмурий-худудий бўлинишни белгилаш системасига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 1999 йил 24 сентябрда тасдиқланган «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида»ги Йўриқноманинг 11-илоvasи) аҳоли пунктнинг коди кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона худудидан олиб кетиладиган товарларни божхона омборига жойлаштиришда устунда товарларни олувчи хорижий ташкилотнинг номи ва почта манзили кўрсатилади.

Жисмоний шахсларга нисбатан устунда шахснинг исми, фамилияси, отасининг исми ва манзили, шу жумладан, почта индекси ва телефон рақами кўрсатилади.

**9-устун. «Молиявий тартибга солиш учун жавобгар шахс»**

Устунда божхона омбори эгасининг ёки божхона омборига товарларни жойлаштирган шахснинг номи ва почта манзили кўрсатилади, агар божхона органининг розилиги билан ушбу шахс божхона тўловларини тўлаш учун масъулиятли бўлса.

**13-устун.**

Ушбу устунда Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки декларация божхона расмийлаштируви учун қабул қилинган санада белгилаган Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасига нисбатан АҚШ долларининг курси кўрсатилади.

**14-устун. «Декларант/вакил»**

Товарни декларация қилаётган ташкилотнинг номи ва почта манзили кўрсатилади.

Устуннинг юқори қисмида «№» белгисидан кейин ана шу ташкилотнинг 8 та рақамли коди Корхоналар ва ташкилотлар умумий таснифномаси (КТУТ)га мувофиқ кўрсатилади. Устуннинг пастки қисмида, агар ушбу ташкилот божхона брокери ҳисобланса, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг божхона брокери сифатида шартномавий асосда товарларни декларация қилиш ҳуқуқи учун берган гувоҳноманинг рақами ва берилган санаси кўрсатилади. Мустақил декларация қилинганда устуннинг пастки қисми худди 2-устундаги сингари тўлдирилади.

**15-устун. «Жўнатиладиган мамлакат»**

Устунда товарлар Ўзбекистон Республикасига Жаҳон мамлакатлари таснифномасига (ЖМТ) мувофиқ жўнатиладиган мамлакатнинг қисқача номи кўрсатилади.

**15а-устун. «Жўнатиладиган мамлакат коди»**

Устуннинг биринчи бўлинмасида товарлар Ўзбекистон Республикасига Жаҳон мамлакатлари таснифномасига (ЖМТ) мувофиқ жўнатиладиган мамлакатнинг рақамли коди кўрсатилади.

**16-устун. «Товарлар ишлаб чиқарилган мамлакат»**

Устунда Жаҳон мамлакатлари таснифномасига (ЖМТ) мувофиқ товар ишлаб чиқарилган мамлакатнинг қисқача номи кўрсатилади.

**19-устун. «Контейнер»**

Устунда қуйидагилар кўрсатилади:

агар товарлар контейнерда кетаётган бўлса ... 1;

агар товарлар контейнерда кетмаётган бўлса ... 0.

**22-устун. «Валюта ва товарнинг умумий фактура қиймати»**

Устуннинг чапдаги бўлинмасида Валюталарнинг умумий таснифномасига (ВУТ) мувофиқ контракт (шартнома) валютасининг рақамли коди кўрсатилади.

Ўнг томондаги бўлинмада товарларнинг декларация қилинаётган туркумининг декларация ва қўшимча варақларнинг 42-устунларида кўрсатиладиган товарлар қийматидан ҳосил бўладиган умумий фактура қиймати рақамларда кўрсатилади.

**23-устун. «Валюта курси»**

Устунда Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасига нисбатан контрактда кўрсатилган Марказий банк томонидан белгиланган валюта курси кўрсатилади. Бунда БЮДни расмийлаштириш учун қабул қилинган санадаги курс кўрсатилади.

**28-устун. «Молиявий ва банк маълумотлари»**

Устунда ҳисобварақ очилганлиги тўғрисида ваколатли банкнинг тасдиқловчи маълумотларига мувофиқ 9-устунда кўрсатилган шахснинг ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк реквизитлари кўрсатилади (ҳар бир реквизитни янги сатрдан бошлаб ва ҳар бирини олдига тартиб рақамини қўйиб):

1 — банк КТУТ коди;

2 — банкнинг тўлиқ номи;

3 — банкнинг почта манзили;

4 — жорий валюта ҳисобварағининг ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасидаги ҳисобварақнинг рақами.

**31-устун. «Юк жойлари ва товар баёни»**

«Маркалаш ва миқдор — контейнерлар рақами — товарнинг баёни». Товар-

нинг номи ва товарни ТИФ ТНга мувофиқ бир хилда белгилаш учун етарли бўлган ассортиментни, ўлчамлари, модели, бутланиши ва бошқа маълумотларни ўз ичига оладиган қўшимча тавсифлари кўрсатилади. Сўнгра юк жойларининг тури ва миқдори, уларни маркалаш тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Контейнерда ташилаётган товар учун устуннинг ўнг қисмида контейнернинг рақами кўрсатилади.

Агар ушбу устунда декларацияланаётган товар бутун юк жойи ва контейнерни банд этмаса, устунда «қутининг бир қисми», «контейнернинг бир қисми» деб кўрсатилади.

Устуннинг пастки чап бурчагидаги махсус ажратилган жойда товар миқдори берилиб, ТИФ ТН га мувофиқ уни ўлчаш бирлигининг қисқача номи кўрсатилади. Фақат асосий ўлчов бирлиги «кг» қўлланилган тақдирда устуннинг пастдаги ўнг бурчаги тўлдирилмайди (товар миқдори 38-устунда берилади). Қўшимча ўлчов бирлигидан фойдаланилганда ушбу бўлинмада товар миқдори ва қўшимча ўлчов бирлигининг қисқача номи кўрсатилади (бунда қўшимча ўлчов бирлигининг коди 41-устунда қайд этилади).

Масалан: товар номини «механик тўқув дастгоҳлари», товар коди — 844621000, қўшимча ўлчов бирлиги — «дона», миқдори — «10». Устуннинг пастки чап бурчаги тўлдирилмайди.

### **32-устун «№ товар»**

Агар икки ёки ундан кўп номдаги товар декларация қилинса, устунда 31-устунда тавсифланган товарнинг тартиб рақами кўрсатилади.

Масалан, декларацияда товарнинг рақами «1», биринчи қўшимча варақда — «2», «3», «4», иккинчи қўшимча варақда — «5», «6», «7» ва ҳоказо бўлади.

Декларацияда ва қўшимча варақларда декларацияланадиган товарлар миқдори 100 дан ошмаслиги керак. Бу миқдордан ошиб кетилганда янги декларация расмийлаштирилади.

Агар товарлар битта номда декларацияланса, устунда «1» қайд этилади.

### **33-устун. «Товар коди»**

Чапдаги бўлинмада ТИФ ТН бўйича товарнинг 9 рақамли коди кўрсатилади. Код ажратишларсиз ва бошқа ажратув белгиларисиз ёзилади.

### **35-устун. «Брутто вазни (кг)»**

Устунда 31-устунда баён этилган товарнинг брутто вазни (килограммларда) кўрсатилади (брутто вазни — товарнинг ўров вазни ҳам киритиладиган умумий оғирлиги бўлиб, у яхлитлаш қоидаларига кўра бутун миқдорларгача яхлитлаштирилади).

Вазни бир килограммдан кам бўлган товар учун 0.XXX нуқтали сон кўрсатилади. Бунда XXX — товарнинг граммлардаги вазни.

### **37-устун. Русум-қоидалар**

Устунда Божхона режимлари таснифномасига мувофиқ божхона режимининг 6 рақамли коди кўрсатилади.

### **38-устун. «Нетто вазни (кг)»**

Устунда 31-устунда баён этилган товарнинг нетто вазни (килограммларда) кўрсатилади (нетто вазни — товарнинг ўровсиз соф оғирлиги бўлиб, яхлитлаш қоидаларига кўра бутун миқдорларгача яхлитлаштирилади).

Вазни бир килограммдан кам бўлган товар учун 0.XXX нуқтали сон кўрсатилади, бунда XXX — товарнинг граммлардаги вазни.

### **40-устун. «Умумий декларация/аввалги ҳужжат»**

Устун баён этилаётган режимдан олдин бошқа режимдан фойланилган ҳолларда тўлдирилади. Устунда олдинги режимга тегишли декларациянинг рақами кўрсатилади.

**42-устун. «Товарнинг фактура қиймати»**

Устунда декларацияланаётган товарга амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган ёхуд қарши етказиб бериладиган товарлар, хизматлар, интеллектуал мулк объектларининг шартнома валютасидаги фактура қиймати кўрсатилади.

**44-устун. «Қўшимча ахборот тақдим этиладиган ҳужжатлар»**

4-рақамда товарни божхона омборига жойлаштираётган шахс билан омбор эгаси ўртасидаги шартноманинг рақами ва санаси кўрсатилади. Қолган ахборот БЮД-ни тўлдириш тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ кўрсатилади.

**47-устун. «Бож ва йиғимларини ҳисоблаш»**

«Тури» устунининг биринчи кичик устунда Божлар таснифномасига мувофиқ тўлов коди кўрсатилади.

«Ҳисоблаб ёзиш асоси» устунининг иккинчи кичик устунда 10-код бўйича тўлов қайд этилаётганида товарнинг (42-устун) Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига Марказий банк курси бўйича қайта ҳисобланган қиймати киритилади. 11-код бўйича тўлов киритилаётганида товарнинг 42-устунда кўрсатилган қиймати-ни АҚШ долларида ифодаланган қиймати кўрсатилади.

«Ставка» устунининг учинчи кичик устунда ставканинг белгиланган қиймати кўрсатилади.

«Сумма» устунининг тўртинчи кичик устунда тегишли тўлов суммаси тўлов шифрига боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси валютаси ва хорижий валютада кўрсатилади.

«ТУ» (тўлов усули) устунининг бешинчи кичик устунда кўрсатилади:

«бн» — банк муассасаси орқали нақдсиз ҳисоб-китоб;

«бк» — тўловни нақд пул билан божхона органининг кассасига тўлаш;

«тм» — божхона органининг кафолат хатига асосан чиқарган қарорига биноан тўлов муддатини кечиктириш;

«оо» — тўлов амалга оширилмаслиги керак.

Тўлов киритилаётганида қўшимча варақлардаги 47-устунлар тўлдирилмайди.

**49-устун. «Омбор номи»**

Устунда божхона омборини таъсис этиш учун лицензиянинг рақами ва берилган санаси кўрсатилади.

**В-устун. «Ҳисоблаш тафсилотлари»**

Устунда Божлар таснифномасига мувофиқ тўлов коди, мазкур шифр бўйича декларацияга ва ҳар бир қўшимча вараққа оид тўловлардан иборат бўлган тўловларнинг умумий суммаси, шунингдек, божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов топшириқномалари (ТТ) рақамлари кўрсатилади.

**54-устун. «Жой ва сана»**

Устунда декларацияни тўлдириш жойи ва санаси, товарларни 14-устунда кўрсатилган ташкилот томонидан декларациялашга ваколат берилган шахснинг фамилия ва инициаллари, у эгаллаб турган лавозим, унинг шахсий имзоси, ташкилотнинг муҳри, телефон ва телекс рақами, шунингдек, агар товар божхона брокери томонидан декларацияланаётган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан берилган малака аттестатининг рақами кўрсатилади.

Божхона омбори божхона режими  
тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

8 (92)-сон

**Божхона омборига жойлаштирилган товарларни ҳисобга олиш  
китобининг шакли**

Омборга жойлаштириш					Омбордан чиқариш				Қолдиқ	
№	жойлаштирилган сана	БЮД рақами	товарни жойлаштирувчи шахс	товар номи	жойлар сони ва вазни	чиқарилган сана	БЮД рақами	режим коди	жойлар сони ва вазни	жойлар сони ва вазни
1.										
2.										
3.										
4.										

Изоҳ: Китоб олдиндан тикилган, варақлари рақамланган ва божхона органи бошлиғининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

— 47 —

103-модда

Божхона омбори божхона режими  
тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ божхона омборига жойлаштирилган товарлар ва уларнинг ҳаракати  
тўғрисидаги ҳисобот \_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ гача

Лицензия № \_\_\_\_\_ санаси \_\_\_\_\_  
Божхона омбори манзили: \_\_\_\_\_ (шаҳар, туман, кўча, уй №) тел. \_\_\_\_\_

Омборга жойлаштиришда							Омбордан чиқаришда				Омбордаги қолдиқ		
№	жойлаш- тирилган сана	БЮД рақами (графа 7)	режим коди (графа 1)	юк олувчи номи (графа 8)	товар номи (графа 31)	жойлар сони	товар вазни (графа 35)	БЮД рақами (графа 7)	режим коди (графа 1)	жойлар сони	товар вазни (графа 35)	жойлар сони	товар вазни
1.													
2.													
3.													
4.													

Раҳбар \_\_\_\_\_ имзолар ва \_\_\_\_\_  
Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_ корхона \_\_\_\_\_  
Омбор мудир \_\_\_\_\_ муҳри \_\_\_\_\_

Текширди: \_\_\_ сонли божхона пости инспектори \_\_\_\_\_ имзо ва шахсий муҳр

**Изоҳ:** Ҳисобот муҳрланган ҳолда БЮД тўлдириш бўйича белгиланган талабларга мувофиқ тайёрланади.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2004 йил 21 февралдан 27 февралгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Тасдиқланган маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 6 февралдаги 28, 2004-19, 01-02/8-13-сон қарори.

**2004 йил 23 февралда 1315-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 4 мартдан кучга киради).**

2. «Номолиявий активларга киритилган инвестициялар тўғрисида ҳисобот» бўйича 2-инвест (йиллик) ва 2-инвест (чораклик) давлат статистика ҳисоботи шакллари тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 23 январдаги 1-сон қарори.

**2004 йил 24 февралда 1316-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 5 мартдан кучга киради).**

3. «Бож олинмайдиган савдо дўкони» божхона режими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 20 январдаги № 01-02/12-4-сон қарори.

**2004 йил 27 февралда 1317-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 8 мартдан кучга киради).**

4. «Божхона омбори» божхона режими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 20 январдаги № 01-02/12-3-сон қарори.

**2004 йил 27 февралда 1318-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 8 мартдан кучга киради).**

**II. Давлат реестрдан чиқарилди:**

1. «Бож олинмайдиган савдо дўкони» божхона режими тўғрисида низом ва 1, 2, 3-сон ўзгартиришлар. *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган (10.05.1999 й., рўйхат рақами 719, 04.01.2000 й., рўйхат рақами 719-1, 03.07.2000 й., рўйхат рақами 719-2, 29.03.2001 й., рўйхат рақами 719-3).*

**Адлия вазирининг 2004 йил 27 февралдаги 44-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. «Божхона омбори» божхона режими тўғрисида низом ва 1, 2-сон ўзгартиришлар. *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган (27.07.1999 й., рўйхат рақами 780, 04.01.2000 й., рўйхат рақами 780-1, 29.03.2001 й., рўйхат рақами 780-2).*

*Адлия вазирининг 2004 йил 27 февралдаги 45-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2001 йил 10 июндаги 10-09/212-Д, 2002 йил 19 февралдаги 10-10/13-ХФУ, 2002 йил 28 февралдаги 10-10/15-ХФУ-сон хатлари.

**Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳужжатлар сифатида кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди.**